

***МУСУЛМОН
БОЛАНИНГ
ОДОБИ***





ИСЛОМ ОВОЗИ
www.islomovozi.com
1437 ҳ. = 2016 м.

***МУСУЛМОН
БОЛАНИНГ
ОДОБИ***

МУАЛЛИФ

ШАЙХ ОБИДХОН ҚОРИ СОБИТХОН ЎҒИЛЛАРИ

– Аллоҳ шифойи комил ато этсин –

ИСЛОМ ОВОЗИ

www.islomovozi.com

1437 ҳ. = 2016 м.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Ассалому алайкум, ҳурматли болалар!

Сизлар яхши биласизларки, Ислом динимиз бизга ҳамма яхши нарсаларни олиб келган. Динимиз келтирган улкан бойликлардан бири одобдир.

“**Мусулмон боланинг одоби**” номли ушбу рисола унча катта китоб эмас. Аммо муаллиф уни шошилмасдан бир неча йил давомида ёзган. Умид қиламизки, сизлар бу дарслардан яхши фойдалар оласизлар.

“**Мусулмон боланинг одоби**” 10 та дарсдан иборат бўлиб, энг зарур қоидалар ҳақида ҳикоя қилади. Улар қуйидагилар:

1- дарс. Одоб ва унинг фойдалари.

- 2- дарс. Уйқудан туриш одоби.
- 3- дарс. Ҳожатхона қоидалари.
- 4- дарс. Тозаликка риоя қилиш.
- 5- дарс. Овқатланиш одоби.
- 6- дарс. Кийиниш одоби.
- 7- дарс. Кийимларни тоза сақлаш.
- 8- дарс. Нарсаларни озода тутиш.
- 9- дарс. Уй ва хоналарни тоза сақлаш.
- 10- дарс. Уйқуга ётиш одоби.

Сизлар иншоаллоҳ бу одобларни ота-оналарингиз ва ака-укаларингиз билан бирга дарс қилиб, ўрганасизлар.

Ҳаммангизга бахт-саодат тилаб қоламиз.



Биринчи дарс

Одоб ва унинг фойдалари



1. Одоб нима дегани?
2. Инсон нима учун ҳурматли?
3. Одоб олтиндан қиммат
4. Одобни қаердан ўрганамиз?
5. Одобли ва одобсиз бола



1. Одоб нима дегани?

Ҳурматли болалар, биласизларми, одоб деб нимага айтилади?

Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам яхши кўрадиган фойдали одатларга одоб, деб айтилади. Одоб муҳим қоидалардан ва чиройли сўзлардан иборатдир.

Маълумки, инсон ҳаёти турли ҳаракат ва ҳолатлардан ташкил топади. Масалан, уйқудан уйғониш, ювиниш, кийиниш, овқатланиш ва ҳоказо. Ҳаётда мана шу ишларнинг ҳар бири учун алоҳида қоидалар бор. Ислом динида бу қоидаларни одоб, деб айтилади. Масалан, кийиниш одоби, овқатланиш одоби, ухлаш одоби.

Дунёда одамлар бир-бирлари билан саломлашадилар, сўзлашадилар. Борди-келди қиладилар. Турли нарсаларни оладилар, берадилар. Бу ишларни муомала, дейилади. Ҳаётда муомала турлари жуда кўп. Муомала турларининг ҳар бири учун Исломда тартиб ва қоидалар ёзиб қўйилган. Бу қоидалар ҳам одобга киради. Масалан, саломлашиш одоби, сўзлаш одоби, меҳмон кутиш одоби ва ҳоказо.

Демак, одоб қоидалари иккига бўлинади:

1) Шахсий одоблар; 2) Муомала қоидалари.

Шахсий одоблар ҳар бир инсон якка ўзи амал қиладиган қоидалардир. Муомала қоидалари - бошқалар билан биргаликда амал қилинадиган одоблар.

Қўлингиздаги китобчада ҳар бир бола ўзи якка ҳолда амал қилиши лозим бўлган одоблар ёзилган. Бу - одоб дарсларининг биринчи китоби. Муомала қоидалари эса иккинчи китобда келади, иншоаллоҳ.

2. Инсон нима учун ҳурматли?

Болалар, сизлар ҳайвонларга бир эътибор беринглар-а. Улар ҳам овқат ейди, сув ичади, ухлайди, тўғрими? Одамлар ҳам худди шу ишларни қиладилар. Аммо одам билан ҳайвон ўртасида нима фарқ бор?

Ўртадаги фарқ шуки, одам ўз ишини ақл, одоб ва тартиб билан қилади. Шунинг учун унинг ҳаёти чиройли ва шириндир. Ҳайвон эса ақли бўлмагани учун одобни ҳам, қоидани ҳам билмайди. Унинг ҳаёти тартибсиз ҳолда ва кир-чирлар ичида ўтади.

Аллоҳ инсонга ақл неъматини ато қилган ва ҳамма ишда ақлни ишлатишга буюрган. Агар инсон ақлини ишлатса, Аллоҳнинг борлигини англаб етади. Унга иймон келтиради. Сўнг яхши ишлар қилишга бошлайди.

Ақлли инсон ҳаётда ҳар бир ишнинг қоидаси ва одоби борлигини кўради. У ана шу қоидаларни ўрганади ва уларга амал қила бошлайди. Шунда у бошқаларнинг ҳурматига лойиқ бўлади.

Демак, одоб - ақллилик белгиси. Одобсизлик - ақлнинг камлигидан. Шунинг учун одамлар

одобсиз кимсани ҳайвонга ўхшатишади. Уни ҳурмат қилгилари келмайди.

3. Одоб олтиндан қиммат

Кўп одамлар пул ва олтинни яхши кўрадилар. Чунки одамлар бойлик бахт келтиради, деб ўйлайдилар. Аммо дунёда бойлиги ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам бахтли бўла олмаган одамлар роса кўп. Чунки бойликнинг ўзи ҳеч қачон бахт олиб келмайди. Инсон бахтли бўлиши учун унга иймон, илм, яхши амал ва одоб керак бўлади.

Одобнинг фойдаси шуки, у бор ерда интизом бўлади. Интизом ҳар бир ишни ўз қонидаси билан вақтида бажаришдир. Интизомли боланинг ишлари доимо чиройли чиқади. Одамлар ҳам интизомли болага кўпроқ яхшилик қилишади.

Одобли ва интизомли болани ҳатто фаришталар ҳам ёқтириб қолишади.

Фаришталар қайси болани яхши кўрсалар, унга яқин келишади. Унинг атрофида юриб, ишларига ва ўқишларига ёрдам беришади. Уни ҳар хил зарарлардан ҳимоя қилишади.

Аллоҳ интизомли бола учун савоблар ёздиради. Унга бахтли ҳаёт ҳадя қилади.

Одоб ана шундай яхши нарса. Шунинг учун “Одоб олтиндан қиммат”, дейишади.

4. Одобни қаердан ўрганамиз?

Мусулмонлар одобни аввало Аллоҳнинг китоби Қуръондан ўқиб-ўрганадилар. Чунки Қуръони каримда жуда кўп қоидалар баён қилинган. Яна бир қанча қоидаларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан ўқиб билинади.

Олимлар Қуръон ва ҳадислар асосида одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бу мавзуда

кўпгина китоблар ёзганлар. Мусулмонлар ана шундай китобларни севиб ўқийдилар.

Одоб қоидаларига амал қилишни бизга устозларимиз ва ота-онамиз кўрсатиб беришади. Биз катталарнинг тартиб-интизомга қандай риоя қилишларини кузатиб юрамиз. Уларга ўхшашга ҳаракат қиламиз.

Биз одоб ва муомала қоидалари ёзилган китобларни ўқиймиз. Ўқиганларимизга амал қиламиз.

5. Одоби ва одобсиз бола

Ўқувчилар, келинлар одоби боланинг сифатларидан баъзиларини эслаб ўтайлик. Одоби бола уйқудан эрта туради. Унинг бадани ва кийимлари доимо озода бўлади. У китоб ўқиш ва дарслар қилишни яхши кўради. Аллоҳ ва Пайғамбаримизнинг сўзларини ўрганади. Ота-

она ва устозларининг айтганларини бажаради. Одобли бола мактабда ҳам яхши ўқийди. Ўрганган қоидаларига амал қилади. Бундай болани тарбияли ёки хулқи чиройли бола, деб айтилади.

Тарбияли бола ҳамма билан яхши муомалада бўлади. Одамларга доимо яхшилик қилиб юради.

Одобсиз бола ҳам бўладими? Ҳа, афсуски бўлади. Ундай бола уйқудан ўз вақтида турай, демайди. Ота-онасининг айтганларини қилмайди. Устозлари берган вазифаларни бажармайди. Одоб ҳақидаги китобчаларни ўқимайди.

Одобсиз болани одамлар яхши кўрмайдилар. Чунки у ақлини кам ишлатади-да. Одамлар уни

хулқи ёмон бола экан, дейишади. Ёки тарбиясиз ва интизомсиз бола, деб айтишади.

Тарбиясиз бола чиройли саломлашишни ҳам билмайди. Атрофдагилар билан дўст бўла олмайди. У ўзининг ёнидаги одамга зарар етказгиси келиб туради.

Фаришталар ақли кам ва интизомсиз боладан хафа бўлишади. Ундан ўзларини узоқроқ тутишади. Шундан кейин бу боланинг атрофига шайтонлар кела бошлайди. Шу сабабли унинг ўқишлари ҳам орқага кетади.

Аммо яхши тарбия берилса, одобсиз бола ҳам одоблига айланиши мумкин. Яхши болалар одобсиз болага чиройли насихат қиладилар. Ушбу китобдаги дарслардан гапириб берадилар. Уни китоб ўқишга қизиқтирадилар.

Агар бу китобчада ёзилган қоидаларни ҳамма болалар ўрганиб олсалар, иншоаллоҳ, биронта ҳам одобсиз бола бўлмайди.



Иккинчи дарс

Уйқудан туриш одоби



1. Уйқу - мўжиза ва неъмат;
2. Уйқудан қачон туриш керак?
3. Эрта туришнинг фойдалари;
4. Уйғонгандан сўнг;
5. Намоздан кейин.



1. Уйқу - мўжиза ва неъмат

Биз ҳаммамиз биламизки, дунёда уйқу бор, уйғониш бор. Эрталаб одамлар уйқудан турадилар. Кечаси бўлганда яна уйқуга кетадилар.

Ҳаётда туғилиш ҳам бор, вафот этиш ҳам бор. Онадан туғилиб, дунёга келган ҳар бир одам бир кун ўлади. Дунёда ҳеч ким абадий яшамайди.

Бу - ҳаёт қонуни. Вафот этган инсонлар учун эса Қиёмат куни қайтадан тирилиш бор.

Болалар, биз ҳозир 5та нарсани эсладик: уйғониш, ухлаш, туғилиш, вафот этиш, қайта тирилиш... Мана шу нарсалардан қайсилари бир-бирига ўхшаб кетади?

Уйғониш билан туғилиш бир-бирига ўхшайди. Эрталаб уйғонган одам дунёга янги келгандек бўлади.

Уйқуга кетиш билан вафот этиш ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Маълумки, одам ўлса, қимирламай қолади. У энди ўрнидан турмайди. Инсон ухлаган пайтда ҳам қимирламай қолади. Унинг аъзолари вақтинча ҳаракатдан тўхтайди. Уйқу - кичик ўлим.

Ухлаган одам уйқуга тўйгач, эрталаб уйғонади. Кейин яна юришга, гапиришга

бошлайди. Вафот этган одам ҳам Қиёмат куни қайтадан тирилади. Сўнг Аллоҳ у билан савол-жавоб қилади. Демак, уйқудан туриш ўлгандан сўнг ҳақиқатан тирилиш борлигини билдириб туради.

Ухлаш ва уйқудан уйғониш Аллоҳнинг мўжизаси ва неъматидир. Ўйлаб кўринг, агар инсон ухласаю қайтиб турмаса, нима бўлади? Бу - жуда ҳам ёмон воқеа. Чунки у ўлган бўлиши мумкин. Шунинг учун мусулмон одам уйқудан уйғонган пайтда Аллоҳга ҳамд айтади ва дуо ўқийди.

2. Уйқудан эрта туришни ўрганинг

Уйқудан эрта туриш - яхши одат. Эрта туришнинг жуда кўп фойдалари бор. Улар ҳақида кейин гапирамиз.

Мактаб ўқувчилари кун чиқмасдан аввал уйғонадилар. Улар таҳорат олиб, бомдод намозини ўқийдилар. Сўнг мактабга боришга тайёргарлик кўрадилар. Аммо кичик болалар кечроқ уйғонсалар ҳам бўлади.

Уйқудан эрта туриш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун учта нарсага эътибор бериш зарур:

1. Болалар кечқурун ҳаммадан эрта ухлашлари керак. Чунки эрта ётган бола эрта туради;
2. Уйқуга ётаётган бола “Эрталаб иншоаллоҳ, барвақт уйғонаман”, деб ният қилиши керак;
3. Ухлашдан аввал катталарга: “Мени эртароқ уйғотинглар”, деб тайинлаш лозим.

Баъзи болалар кун чиққунча ухлаб ётаверади. Биров уйғотса ҳам тургиси келмайди. Унинг устига шайтонлар миниб олган бўлади ва “Ётавер-ётавер!” деб алдайди. Ундай болани ялқов, дейилади.

3. Эрта туришнинг фойдалари

Уйқудан эрта туришнинг 3 нарсага фойдаси бор: ақлга, баданга, иймонга.

Ақл яхши ишлайдиган пайт тонг вақтида бўлади. Ана шу пайтда уйғонган боланинг ақли кўп нарсага етадиган бўлади. Бундай боланинг дарси ҳам, ишлари ҳам чиройли чиқади. У кечгача ғайратли ва хурсанд бўлиб юради. Ўртоқлари билан ҳам яхши ўйнайди.

Бадан доимо соғ бўлиши учун эрта туришни одат қилиш керак. Эрталаб бадантарбия билан шуғулланиш соғлиқни мустаҳкамлайди.

Уйқудан кеч турган боланинг кучи бир оз сўниб қолади.

Иймон кучли бўлиши учун ҳам тонгда турган яхши. Иймонли бола тонгда таҳорат олиб, Аллоҳга чиройли ибодат қилади.

Расулуллоҳ эрта турган умматларининг ҳаққига дуо қилганлар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا» (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ).

Ибн Умардан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Эй Аллоҳим, умматимнинг эрталабда қилган ишларига барака ато қил“. (Ибн Можа ривоятлари).

4. Уйғонгандан сўнг

Уйғонгандан сўнг қилинадиган ишлар мана булар:

1. Уйғониш дуосини ўқиш;
2. Кийимларни кийиш;
3. Жойни йиғиштириш;
4. Хонани шамоллатиш;
5. Таҳорат қилиш;
6. Атрофдагилар билан сўрашиш;
7. Бомдод намозини ўқиш.

Демак, сиз уйқудан кўзингизни очибок, уйғониш дуосини ўқийсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга мана бу дуони ўргатганлар:

«الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ».

“Бизни ўлдириб, яна тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.

Дуодан сўнг “Бисмиллаҳ”, деб кийимларингизни киясиз. Ўрин-кўрпаларни

чиройли қилиб йиғиб қўясиз. Кўрпани тахлаётганда ҳам “Бисмиллаҳ”, деб айтасиз.

Туни билан хона димиқиб қолган бўлади. Шунинг учун ойналарни бир оз очиб, ҳавони алмаштиришингиз керак.

Ундан кейин таҳорат олиб, бомдод намозининг суннاتини ўқишга киришасиз. Кейин масжидга бориб, икки ракъат фарзни жамоат билан ўқийсиз. Бомдод намозини ўқиш Аллоҳ билан сўзлашиш бўлади. Ҳаётнинг янги саҳифаси Аллоҳ билан сўзлашишдан бошланса қандай яхши!

Уйғонгандан сўнг қилиш макруҳ (ёқимсиз) бўлган амаллар:

1. Ўриндан турмай, ялқовланиб ётавериш;
2. Ётадиган кийим билан одамларга кўриниш;
3. Ўринни йиғиштирмай туриб кетиш;

4. Юз-қўлни ювмасдан бошқа ишга киришиш;
5. Бомдод намозини кечиктириб ўқиш.

Эслатма: эрталаб ухлаб ётган ёш болаларга халақит бермаслик керак. Уйғотиш керак бўлган одамни оҳисталик билан уйғотилади. Агар дарров турмаса, унга қўполлик қилинмайди.

5. Намоздан кейин

Бомдод намозини суннат ва фарзи билан ўқиб бўлгандан сўнг қилинадиган ишлар мана булардир:

1. Эрталабки зикрлар;
2. Бадантарбия;
3. Нонушта;
4. Мактабга тайёргарлик;
5. Ўқишга бориш.

1. Эрталаб намоздан сўнг зикр айтишнинг фойдаси жуда кўп. Биз зикрларни ўқиганимизда Аллоҳга дуо қиламиз. Кун бўйи бизни Ўз

паноҳида асрашини сўраймиз. Бизгаяхшиликлар ато қилишини тилаймиз.

Эрталаб Қуръон тиловат қилиш ҳам яхши одат.

2. Зикр ва тиловатдан кейин озгина бадантарбия қилишга одатланиш керак. Бу одамнинг соғлиғи учун жуда ҳам фойдалидир.

3. Машқлардан сўнг нонушта қиласиз. Нонушта тайёрлашда катталарга ёрдамлашишни ўрганинг. Нонушта пайтида овқатланиш одобига риоя қилишни унутманг.

4. Нонуштадан сўнг дарс жадвалига қараб, китобларингизни текшириб оласиз. Мактабга тайёргарлик кўрасиз. Бугун керак бўладиган китоб-дафтарларингизни эсингиздан чиқарманг.

5. Мактабга кеч қолмасдан боришга одат қилинг.

Учинчи дарс

Ҳожатхона қоидалари



1. Ҳар бир одам ҳожатга муҳтождир;
2. Ҳожатхонага киришдан аввал;
3. Ҳожатхонага киргандан кейин;
4. Тақиқланадиган ишлар;
5. Ҳожатхонадан чиқиш.



1. Ҳар бир одам ҳожатга муҳтождир

Аллоҳ одам боласини овқатланадиган, сув ичадиган қилиб яратган. Шундай экан, инсон ҳожат ушатишга муҳтож бўлади. Агар одам овқатлансаю ичи келмаса - Аллоҳ асрасин - ёмон аҳволда қолади. Ҳожат ушатиш ёки ёзилиш ҳам неъматдир.

Ейилган овқатлар ошқозонда ҳазм бўлади. Овқатнинг бир қисми баданга озуқа бўлиб сўрилади. Бир қисми эса ортиқча чиқиндига айланади. Чиқиндига айланган нарсалар бадандан ташқарига чиқишга йўл қидиради. Ҳожат ушатиш ана ўша ортиқча ва зарарли нарсалардан қутулиш бўлади.

Инсон ҳар куни ҳожатхонага киради. Ҳожатхонага киришнинг қоидалари бор. Уларга амал қилиш инсоннинг соғлиғи учун ҳам, дини учун ҳам фойдалидир.

2. Ҳожатхонага киришдан аввал:

Ҳожатхонага киришдан аввал қуйидаги ишларга аҳамият бериш керак:

1. Оғзида овқат бўлса ютиш;
2. Қўлининг тозалигига эътибор бериш;
3. Қалин кийимларини ечиб қўйиш;

4. Қўлида нарса бўлса, ташқарига қўйиш;
5. Оят-ҳадислар бўлса, ташқарида қолдириш;
6. Киришдан аввал дуо ўқиш;
7. Чап оёқ билан кириш.

Оғизда овқат билан ҳожатхонага кирилмайди. Шунингдек, қўл ёғ ёки ифлос бўлса, аввал қўлни тозалаш керак. Акс ҳолда қўл кийимга тегади ва кийим кир бўлади.

Ҳожатхонага киришдан аввал қалинроқ устки кийимлар ечиб қўйилади. Токи, уларга нопок сувлар сачрамасин. Устки кийим деганда палто, чопон, куртка тушунилади.

Шайтон ҳожатхонага киришга ва инсоннинг уят ерини кўришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳожатхонага кирмоқчи бўлган одам дуо ўқийди.

Анас ибн Моликдан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирадиган пайтларида бундай деб айтар эдилар:

«بِسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخَبْثِ وَالْخَبَائِثِ».

(Маъноси: “Аллоҳ номи билан. Эй, Аллоҳим, мен Сендан урғочи ва эркак жинлардан асрашингни сўрайман”). (Абдурраззоқ, Суютий, Албоний).

Шу дуони ўқилса, шайтоннинг йўли тўсилади.

Уй, масжид, мактаб каби покиза ерларга ўнг оёқ билан кириш суннат. Ҳожатхона, ҳаммом каби ерларга чап оёқ билан кирилади.

Эслатма:

1. Баъзи бола ёзилгиси келса ҳам ўйиндан кўзи қиймай юраверади. Кейин бирданига

югуриб қолади. Ҳожати қистаганда ёзилмай юравериш - соғлиққа зарар. Чунки бунақа пайтда сийдик қонга шимилишга бошлайди.

2. Агар оят ва ҳадислар ёзилган қоғоз чўнтакда яширилган ҳолда бўлса, у билан халожойга кириш жоиз.

3. Ҳожатхонага киргандан кейин

Ҳожатхонага киргандан кейин эътибор бериш керак бўлган ишлар мана булар:

1. Ҳожатхона эшигини қулфлаш;
2. Кийимни нажосатдан эҳтиёт қилиш;
3. Тана аъзоларини покиза сақлаш;
4. Ҳожатдан сўнг тозаланиш;
5. Тозаланишда чап қўлни ишлатиш.

Ҳожатга кирган одам ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслиги керак. Чунки уят (аврат) ерини бировга кўрсатиш ёки бировнинг авратига

қараш ҳаромдир. Шунинг учун ҳожатхона эшигини қулфлаш зарур. Ҳожатхонани хало жой, деб ҳам айтилади. Хало ҳеч ким йўқ жой, дегани. Ҳожат ушатаётган ерда ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги керак.

Мусулмон боланинг кийимлари ва танаси покиза бўлиши лозим. Агар кийимга ёки баданга нажосат тегса, шу ҳолда намоз ўқиб бўлмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ. قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْثَرُ عَذَابِ الْقَبْرِ بِالْبَوْلِ». (رَوَاهُ الطَّحَاوِيُّ).

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Қабр азобининг кўпи сийдик сабабидан бўлади”. (Таҳовий ривоятлари).

Инсон ёзилиб бўлгач, нажосатдан тозаланади. Тозаланиш махсус қоғоз, кесак ёки сув билан бўйиши керак. Нажосат чиққан ерни аввал қоғоз

билан артиб, кейин илиқ сув билан ювилади. Тозаланишда тезак, суяк каби нарсаларни ишлатиш мумкин эмас.

Тозаланиш пайтида албатта чап қўлни ишлатиш керак. Чунки ўнг қўлни одамлар билан сўрашиш ва овқат ейиш учун ишлатилади.

4. Тақиқланадиган ишлар

Ҳожат ушатиш пайтида баъзи ишларни қилиш мумкин эмас. Улар мана булар:

1. Қиблага қараб ёки орқа қилиб ўтириш;
2. Кўп ўтириш ёки ухлаш;
3. Биров билан гаплашиш;
4. Бирор нарса ўқиш;
5. Ейиш, ичиш;
6. Сув ва қоғозни кўп ишлатиш;
7. Тозаланиш пайтида сувни сачратиш;
8. Узрсиз тик туриб ёзилиш;

9. Заруратсиз уят ерига қараш;
10. Ҳожатхонани ифлос қилиб чиқиш.

Очиқ ерда ҳожат ушатишга тўғри келиб қолса, қуйидаги ишлар тақиқланади:

1. Ой ёки қуёшга қараб ўлтириш;
2. Шамол эсаётган томонга қарши ўлтириш;
3. Оқаётган ёки тўхтаб турган сувга ёзилиш;
4. Экинзорга, мевали дарахт остига ёзилиш;
5. Қабристонга ҳожат ушатиш;
6. Тешик ва ковакка ёзилиш;
7. Ҳашаротлар устига ҳожат ушатиш.
8. Одамлар ёки ҳайвонлар йўлига ҳожат ушатиш.

5. Ҳожатхонадан чиқиш

Ҳожатхонадан чиқишда қуйидаги ишларга эътибор бериш лозим:

1. Ахлат кетадиган ерни сув билан тозалаш;

2. Сув жўмракларини ўчириш;
3. Кийимларни чиройли кийиш;
4. Ҳожатхона қоғозини текшириш;
5. Чироқни учириш;
6. Ўнг оёқ билан чиқиш;
7. Чиққандан сўнг зикр айтиш;

Сиз ҳожатхонадан чиқаётган пайтингизда у ернинг тозалигини кўздан кечиринг. Хало ер сиздан кейин озода ҳолда қолиши керак. Баъзи бола ўзи ўтирган ерни тозаламасдан чиқади. Бу унинг яхши тарбия олмаганини кўрсатади.

Сув жўмракларини ҳам яхшилаб ўчириш керак. Чала бураб чиқиб кетилса, сув оқиб, исроф бўлиб ётади.

Ҳожатхонадан чиқмасдан туриб, кийимларни чиройли қилиб кийиб олинади. Тугмаларни яхши солмасдан чиқиш уят бўлади.

Ҳожатхонада сув ёки қоғоз тугаган бўлса,
янгилаб қўйиш лозим.

Ҳожатдан чиққандан сўнг “**Гуфронака**“, деб
айтилади.



Тўртинчи дарс

Тозаликка риоя қилиш



1. Покизалик - иймоннинг ярми;
2. Озодалик - соғлиқ сабабчиси;
3. Тоза тутишимиз керак бўлган нарсалар;
4. Тана аъзоларини тоза тутиш;
5. Таҳорат ва ғуслнинг фойдалари.



1. Покизалик - иймоннинг ярми

Ислом динимиз тозаликка жуда катта аҳамият берган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾ (البقرة: 222).

“Шубҳасиз, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни ва ўзини ниҳоятда пок тутувчиларни яхши кўради”. (Бақара/222).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам озодалик ҳақида бундай деганлар:

«الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ».

“Озодалик иймоннинг ярмидир”. (Муслим ривояти).

Демак, мусулмон инсон покиза бўлиб юрса, иймони бутун бўлади. Агар тозалик қоидаларига риоя қилмаса, унинг иймони чала бўлиб қолади.

2. Озодалик - соғлиқ сабабчиси

Озодаликка риоя қиладиган бола соғлом бўлади. Покиза ва соғлом боланинг ақли ҳам яхши ишлайди. Шунинг учун ўзбекларда “Соғлом танда соғ ақл”, деган мақол бор.

Кир-чир юрадиган боланинг баданида микроблар пайдо бўлади. Микроблар касаллик келиб чиқишининг сабабларидан биридир.

Мусулмон болалар тозаликка алоҳида эътибор берадилар. Шунинг учун уларнинг иймонлари ҳам кучли, танлари ҳам соғлом бўлади.

3. Тоза тутишимиз керак бўлган нарсалар

Биз ўзимизни ҳам, атрофдаги нарсаларни ҳам доимо озода сақлашимиз лозим. Ҳар биримиз 5 хил турдаги нарсани тоза сақлашни ўрганишимиз керак.

Озода сақланиши шарт бўлган 5 хил нарса мана булар:

- 1) Тана аъзолари;
- 2) Кийимлар;
- 3) Шахсий буюмлар;
- 4) Уй ва хоналар;
- 5) Атроф-муҳит.

4. Тана аъзоларини тоза туриши

Тарбияли инсон танасининг бошдан-оёқ ҳаммасини озода тутеди. Аммо баъзи аъзоларни бошқасига қараганда кўпроқ ювиб туриш керак.

Тез-тез ювиб туриш лозим бўлган тана аъзолари қуйидагилар: 1) қўл; 2) юз; 3) тиш; 4) бурун; 5) бош; 6) оёқ.

1) **Қўл.** Қўл жуда кўп фойдали хизматларни бажаради. Биз қўлимиз билан юзимизни ва тана аъзоларимизни ювамиз. Қўлда овқат еймиз. Бир-биримиз билан қўл бериб сўрашамиз. Қўлда нарса оламиз ёки берамиз. Шунинг учун қўлларимиз доимо озода бўлиши шарт.

Тирноқларни ўстириб юбормасдан олиб туриш ҳам қўлнинг тозалигидан саналади. Бола тирноғини агар ўзи ола олмаса, катталарга айтиб олдиради.

2) **Юз.** Юз ҳаммага кўриниб турадиган аъзодир. Тананинг бошқа аъзолари кўпинча кийим остида бўлади. Аммо юз доимо очик туради. Чанг ва кирлар юзга тез ёпишади. Шунинг учун юзни бошқа аъзоларга қараганда кўпроқ ва тез-тез ювиб туриш зарур.

Одамлар бир-бирлари билан гаплашганда юзга қараб гаплашадилар. Юзи кир бўлган ҳолда бошқаларнинг кўзига кўриниш уят саналади.

3) **Тиш.** Аллоҳ инсоннинг тишларини чиройли қилиб яратган. Уларни авайлаб асраш керак. Одамнинг тишлари соғлом ва оппоқ бўлса қандай яхши! Оппоқ тишлар инсонга ҳусн бағишлайди.

Тишлар овқатни чайнаб, майдалаб беради. Агар улар тоза бўлса, овқат ҳам қоринга покиза ҳолатда киради. Тез-тез ювиб турилмаса,

тишларнинг орасида кирлар тўпланади. Кирлар овқатга қўшилиб, қоринга кириб кетади. Шундан кейин одам касал бўлиб қолади.

Тишини яхши ювмайдиган боланинг тиши оғришга бошлайди. Тиш оғриғи жуда ёмон. Тишга эътибор берилмаса, у хунук бўлиб кетади. Тиши хунук бўлиб юриш ҳам яхши эмас.

Овқат еб бўлгандан сўнг тишларни яхшилаб ювиш зарур. Акс ҳолда оғизда ёқимсиз ҳид пайдо бўлади. Бу ёнидаги одамга озор беради.

Тишни ҳар куни икки марта мисвок ёки паста (маъжун) билан ювиш керак. Пайғамбаримиз таҳорат олаётганда тишини мисвок билан ювганларни мактаганлар.

Одамларнинг олдида тишни кавлаб бўлмайди. Бу беодобликдир.

4) Бурун. Аллоҳ бурунни ҳам муҳим вазифа учун яратган. У нафас олишимизга ёрдам беради.

Агар бурун покиза бўлса, инсон ютаётган ҳаво ичкарига тоза ҳолатда киради.

Одобли бола ҳеч ким кўрмайдиган ерда бот-бот бурунларини қоқиб, тозалаб олади. Одамнинг олдида ҳеч ҳам бурнини тортмайди ва кавламайди. Баъзи болалар эса ҳадеб бурнини тортаверади. Бунақа одат ҳеч кимга ёқмайди.

Инсон аксирганда ёки йўталганда юзини четга буриши керак. Оғзи ва бурнини дастрўмол ёки енги билан тўсиши лозим. Чунки бундай пайтда бурун ва оғиздан зарарли моддалар отилиб чиқади.

5) Бош. Инсон ҳаёти учун жуда зарур ҳисобланган аъзолар - мия, қулоқ, кўз, бурун ва оғиз бошда жойлашган. Демак, бошга яхши аҳамият бериш лозим. Уни тез-тез ювиб туриш талаб қилинади.

Қизлар сочларини ҳафтада камида бир марта ювадилар.

Ўғил болалар сочларини кўп ўстириб юборишлари тўғри эмас. Сочни бир ойда бир марта олинади ёки қисқартирилади.

Бош, кўз, қулоқ, бурун ва оғизни ойнага қараб тозалигини текшириб туриш керак.

6) Оёқ. Маълумки оёқ кўпинча пайпоқ ичида бўлади ва кўзга ташланмайди. Аммо вақтида ювиб турилмаса, ундан ёмон ҳид тарқала бошлайди. Шунинг учун таҳорат пайтида оёқнинг панжалари орасини бармоқ билан ишқалаб ювилади. Шунда улар покиза ва соғлом бўлади. Ёз пайти бўлганда ҳар намозга янги таҳорат олиш - яхши одат.

5. Таҳорат ва ғуслнинг фойдалари

Таҳорат ва ғусл Ислом динимиз буюрган фарз амаллардан саналади.

Таҳорат намоз ўқиш ёки сажда қилиш учун олинади. Яна Қуръонни ушлаш учун ва Каъбани тавоф қилиш учун ҳам таҳорат бўлиши лозим. Таҳорат қилганда юз, қўл ва оёқ албатта ювилади. Таҳорат инсон учун жуда фойдали. Мусулмон бола ҳар куни бир неча марта таҳорат қилади. Шунинг учун унинг юз-қўллари доимо тоза ва чиройли бўлади. Покиза бўлиб юрган бола - иншоаллоҳ - касал бўлмайди ва кўпгина савоб олади. Таҳоратда ювилган аъзолардан гуноҳлар тўкилади. Таҳоратда ювилган аъзолардан Қиёмат куни нур таралиб туради.

Ғусл деганда тананинг ҳамма ерига сув етказиб, ювиниш тушунилади. Аллоҳ бизнинг баданимизда кўзга кўринмайдиган майда тешиклар яратган. Улар орқали бадан ҳам нафас олади. Одам ювинган пайтда ўша тешиклар тозаланади. Баданнинг нафас олиши ва ўсиши яхшиланади.

Яхши тарбия олаётган бола ҳар ҳафтада бир марта ювинади. Жума кунини келса ўғил болалар жума намозига боришади. (Агар шароит бўлса аёллар ва қизлар ҳам жумага боришлари мумкин). Жума кунини эрталабдан ғусл қилиб, тайёргарлик кўриш керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «حَقُّ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ أَنْ يَغْتَسِلَ فِي كُلِّ سَبْعَةِ أَيَّامٍ، يَغْسِلُ رَأْسَهُ وَجَسَدَهُ». (رواه البخاري ومسلم)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ҳар етти кунда бир ювиниш Аллоҳнинг ҳар бир мусулмон устидаги ҳаққидир ...”

(Бухорий ва Муслим ривоятлари).



Бешинчи дарс

Овқатланиш одоби



1. Ҳалол ризқ;
2. Овқатланишдан аввал;
3. Овқатланиш пайтида;
4. Макруҳ амаллар;
5. Овқатдан сўнг.



1. Ҳалол ризқ

Аллоҳ таоло одамзодни овқат ейиш ва сув ичишга муҳтож қилиб яратган. Аллоҳ Пайғамбарлар орқали одамларга овқатланиш одобини ҳам ўргатган. Бу одоблар ичида энг муҳими ҳалол таом ейишдир. Аллоҳ Қуръонда бундай деб айтган:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كَلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ﴾ (البقرة: 172).

“Эй иймон келтирган инсонлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енгиз ...” (Бақара/172).

Ҳалол ризқ еган одам савоб олади. Ҳаром еган кимса азобга қолади. Ҳаром таом ейдиган одамнинг дуоси ҳам, ибодати ҳам қабул бўлмайди.

Ҳалол ризқ – соғлиқ учун фойдали. Ҳаром овқат ва ҳаром ичимлик инсоннинг танасига зарар етказди. Жамиятни бузади.

Таом ва ичимлик ҳалол бўлиши учун нималарга эътибор бериш лозим?

Таом ҳалол бўлиши учун унда учта шарт топилиши керак:

1. Ҳалол йўл билан пул топиш.
2. Ҳалол ҳайвон ёки зарарсиз ўсимликдан овқат тайёрлаш;

3. Ҳайвонни исломий йўл билан сўйиш;

Ҳалол ризқ топиш учун аввало ҳалол меҳнат қилиш лозим. Ўғирлик, порахўрлик, қиморбозлик каби йўллар билан пул топиш – ҳаром. Бундай пулга озиқ-овқат сотиб олган одам ҳаром овқат еган бўлади.

Маълумки, овқатни гўшт ва ўсимликлардан тайёрланади. Уй ҳайвонларидан туя, мол, қўй, эчки ва отнинг гўшти – ҳалол. Ёввойи ҳолда яшайдиган баъзи ҳайвонлар ҳам ҳалол. Буларга мисол: кийик, буғу, тоғ эчкиси, ёввойи мол, ёввойи эшак.

Ваҳшийлик билан кун кечирадиган ҳайвонларнинг гўшти ҳаромдир. Ифлос нарсаларни ейдиган жониворлар ҳам ҳаром саналади.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ كُلِّ ذِي نَابٍ مِنَ السَّبَاعِ وَعَنْ كُلِّ ذِي مَخْلَبٍ مِنَ الطَّيْرِ. (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят. У киши дедилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ов тиши бўлган йиртқич ҳайвонларни ва ов чангали бўлган қушларни ейишдан қайтардилар”. (Муслим ривояти).

Сув ҳайвонларидан балиқларнинг ҳамма тури ҳалол. Ўсимлик ва донлар ҳам ҳалол саналади. Аммо қайси ўсимлик зарарли бўлса, ўшани истеъмол қилиш ҳаром бўлади. Масалан, ақлга зарар етказадиган наша— ҳаром.

Маст қиладиган ичимликлар ичиш— ҳаром.

Исломий йўл билан сўйилмаган ҳайвон гўштини ҳам еб бўлмайди.

2. Овқатланишдан аввал

Қачон овқатланиш керак?

Ҳамма биладикки, инсон қорни очганда овқат егиси келади. Аммо баъзи болалар овқатни кўриб қолса бўлди – қорни очмаган бўлса ҳам еяверади. Бу тўғри эмас. Тўқ қоринга овқат ейиш соғлиққа зарар етказади. Қорин очган пайтда ейилган овқат баданга яхши ҳазм бўлади ва иншоаллоҳ фойда келтиради.

Овқатланишга тайёргарлик

Овқат пайти бўлди, дейлик. Демак, овқатланишга тайёргарлик кўрамиз. Аввало кўллар тоза бўлсин. Дастурхон ва сочиқлар ҳам озода, овқат сузиладиган идишлар ювилган бўлиши керак. Сеник, дарз кетган ёки чети учган идишларни ишлатиш мумкин эмас. Дастурхон солишда ақлли болалар катталарга қарашиб юборадилар.

Якка овқатланишга ўрганманг

Одам якка ўзи ўтириб овқат ейишга ўрганиш керак эмас. Бирор шерик билан овқатланиш – яхши одат.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ. قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحَبُّ الطَّعَامِ إِلَى اللَّهِ مَا كَثُرَتْ عَلَيْهِ الْأَيْدِي» . (الألباني، السلسلة الصحيحة).

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳга суюкли бўлган таом – устида қўллар кўп бўлган таом”. (Албоний, Саҳиҳ ҳадислар силсиласи).

Қандай ўтирамиз?

Ерда ўтириб овқатланиш – Расулуллоҳнинг суннатлари. Ўтирганда ўнг тиззани тик қилиб, чап оёқни букланади ва унинг устига ўтирилади. Столда ўтириб овқат ейиш ҳам жойиз.

Ёши катта – биринчи

Овқатга қўл узатишдан аввал дастурхон атрофидаги инсонларни таклиф қиламиз. Ёши катта киши ёки меҳмон ўлтирган бўлса, биринчи у бошлаши керак.

Овқатга қўл узатишдан аввал Аллоҳ таолодан ушбутаомни бизга фойдали қилишини сўраймиз. Таом дуосини ўқиймиз. Сўнг “Бисмиллоҳ” айтиб, овқат ейишга бошлаймиз.

Демак, овқат ейиш олдидан бажариш лозим бўлган ишлар мана булар:

1. Қўллар тоза бўлиши;
2. Одоб билан ўлтириш;
3. Ёнидагиларни таклиф қилиш;
4. Таом дуосини ўқиш;
5. “Бисмиллоҳ” айтиш.

3. Овқатланиш пайтида

Овқат ейишга бошлаётган пайтимизда мана бу суннатларга амал қиламиз:

1. Ўнг қўл билан ейиш;
2. Ўз олдидан ейиш;
3. Учта бармоқ билан ейиш;
4. Луқмани кичикроқ олиш;
5. Яхши сўзлардан гапириш.

Бу саналган ишларнинг ҳар бири ҳақида устозлар истаганча гапириб беришлари мумкин.

Овқат ейишни ҳаддан ошиқ тўйиб кетмасдан аввал тўхтатган яхши.

Расулуллоҳ ошқозоннинг учдан бирини овқатга, учдан бирини сувга, яна учдан бирини ҳавога ажратиш фойдали бўлишини айтганлар.

4. Макруҳ амаллар

Макруҳ – ёқимсиз иш, дегани. Овқатланиш пайтида макруҳ ишларни қилиш одамларга ёқмайди. Уларнинг иштаҳасини бўғиб қўяди. Овқатдан ҳам барака кўтарилади.

Овқатланиш одобига тўғри келмайдиган макруҳ ишлар 3 хил турга бўлинади:

1) Овқат ейишдаги макруҳ ишлар:

1. Чап қўлда овқатланиш;
2. Оғзидагини ютмасдан овқатга қўл чўзиш;
3. Тик туриб ёки юриб овқатланиш;
4. Ёнбошлаб ёки оёқни узатиб овқатланиш;
5. Оғзида овқат билан гапириш;
6. Чапиллатиб ейиш, хўриллатиб ичиш;
7. Шошиб овқат ейиш;
8. Имиллаб овқат ейиш;
9. Овқатга пуфлаш;
10. Тўйгандан сўнг ҳам еявериш.

2) Ўзини тутишдаги макруҳ ишлар:

1. Овқатни айблаш;
2. Ёқимсиз сўзларни гапириш;
3. Дастурхонга қараб йўталиш, аксириш;
4. Бурун, тиш ёки қулоқ кавлаш;
5. Бирор ерини қашлаш.

3) Бошқалар билан овқатланишдаги макруҳлар:

1. Овқатга чақирганда тез келмаслик;
2. Катталардан аввал овқатни бошлаш;
3. Бировнинг оғзига ёки овқатига қараш;
4. Таомнинг яхшисини ўзига олиш;
5. Бировнинг олдидагини олиб ейиш;
6. Ҳаммадан аввал қўлни тортиб олиш;
7. Одамлар еб бўлгандан сўнг ҳам еявериш;
8. Бошқалардан тез ва кўп ейиш;
9. Ҳаммадан кўп гапириш;
10. Сукут сақлаб ўтириш.

Булардан ташқари қошиқ ва идишларни қаттиқ тақирлатиш, тўкиб-сочиб овқатланиш ҳам яхши эмас. Синган ва дарз кетган идишда овқат ейиш ҳам макруҳ.

5. Овқатдан сўнг

Овқатланиб бўлгандан сўнг мана бу ишларни қиламиз:

1. Тарелкани (ёки коса) нон ёки бармоқ билан ялаш;
2. Дастурхонга тўкилган ушоқ ёки овқатларни териб ейиш;
3. Бармоқдаги овқат қолдиқларини ялаш;
4. Таомдан сўнгги дуони ўқиш;
5. Овқат тайёрлаганга раҳмат айтиш;
6. Дастурхонни йиғиштириш;
7. Идиш-товоқларни ювиш;
8. Қўл ва оғизларни ювиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овқатдан сўнг мана бу дуони ўқишни ўргатганлар:

«الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا الطَّعَامَ وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلَا قُوَّةٍ».

Бу дуонинг маъноси бундай: “Мени шу таом билан озиқлантирган ва бу таомни менинг кучим ва ҳаракатимсиз насиб этган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.



Олтинчи дарс

Кийиниш одоби



1. Нима учун кийим кийилади?
2. Кийим - ҳаё белгиси;
3. Кийим кийиш ва ечиш одоблари;
4. Кийим турлари;
5. Кийиш мумкин бўлмаган кийимлар.



1. Нима учун кийим кийилади?

Болалар, нима учун кийим кийилади, биласизларми?

Кийим кийишдан уч нарсани мақсад қилинади:

1. Уят ерларини бекитиш;
2. Иссиқ ва совуқдан сақланиш;
3. Одамларга чиройли кўриниш.

Инсон ҳар куни уйқудан кўзини очиб, Аллоҳга ҳамд айтади. Шундан сўнг энг биринчи қиладиган иш - кийимларни кийиш. Уйқу вақтидаги юпқа кийим билан одамларга кўриниш одобдан эмас.

Аллоҳ ва Пайғамбаримиз бизни уят ерларимизни бекитиб юришга буюришган. Бекитиш керак бўлган аъзоларни аврат, дейилади.

Яна Ислом динимиз биздан соғлигимизни сақлашни ҳам талаб қилган. Шунинг учун биз иссиққа ва совуққа мослаб кийинамиз.

Чиройли ва озода кийиниш ҳам Ислом динимизда мақталади. Кийимнинг содда бўлиши ҳам яхши фазилат.

2. Кийим - ҳаё белгиси

Биз кийим кийишдан учта мақсад борлигини билдик. Ана шу мақсадларнинг ҳаммаси ҳам фойдалидир. Аммо уларнинг ичида энг муҳим бўлгани қайси?

- Уят (аврат) ерларни яшириш.

Уялиш инсондаги жуда қимматли хислат. Уялишни ҳаё ёки шарм-ҳаё, деб айтилади. Пайғамбаримиз “Ҳаё иймондадир”, деганлар. Ҳаё инсонни уят ишлардан узоқ бўлишга буюради. Авратнинг очилиб қолиши (наузу биллох) уят ва шармандали ишдир. Ҳаёси бор одам доимо авратини яшириб юради. Исломда авратни яшириш - фарз. Бировнинг авратига қараш эса ҳаром. Инсон кийим кийганда авратини яшириб, ҳаёсини сақлаган бўлади. Демак, кийим ҳаё белгиси экан.

Эслатма: эркак кишининг аврати - киндигидан тиззасигача. Тиззанинг кўзи ҳам яширилиши керак. Аёл кишининг ҳамма аъзоси аврат ҳисобланади. Фақат юзи ва икки кафти зарурат пайтида аврат эмас. Эркаклар бегона аёлларга қарамайдилар.

3. Кийим кийиш ва ечиш одоблари

1) Кийиниш пайтидаги суннатлар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга кийим кийишда бир неча суннатларни ўргатганлар. Бу суннатлар мана булар:

- 1. Кийим кийишда “Бисмиллоҳ”, деб айтиш;***
- 2. Ўнг томондан бошлаб кийиш;***
- 3. Кийим дуосини ўқиш.***

Бизнинг эгнимиздаги кийимлар Аллоҳнинг неъматидир. Шунинг учун кийим кияётганда Унга шукрона айтиб, дуо ўқиймиз:

«الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا [الثُّوبَ] وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي
وَلَا قُوَّةٍ».

(Маъноси: “Менга мана шу кийимни кийгазган ва буни менинг кучим ва ҳаракатимсиз насиб этган Аллоҳга ҳамд бўлсин”).

Расулуллоҳ кимки шу дуони ўқиса, ўтган гуноҳлари кечирилади, деганлар.

Одам ўзи янги кийим кийганда ёки янги кийим кийган кишини кўрганда ўқиладиган дуолар ҳам бор. Уларни устозингиздан ўрганиб оласиз.

2) Кийим ечишдаги одоблар

Кийим ечаётганда “Бисмиллоҳ”, дейилади ва чап томондан бошлаб ечилади. Ечган кийимларни чиройли қилиб тахлаб қўйилади.

Кийим қўйиладиган жой одамнинг кўзи тушмайдиган ерда, масалан шкаф ичида бўлгани

афзал. Шунда кийимлар тоза сақланади. Уларга чанг юқмайди.

Ўғил болалаларнинг баъзи кийимлари (кўйлак, костюм, устки кийимлар) вақтинчага кўз тушадиган ерда туриши мумкин. Аммо шим, шалвор ва ички кийимларни кўз тушмайдиган ерга қўйиш керак.

Қизларнинг кийимлари одамларнинг кўзи тушмайдиган ерда туради. Ўғил болаларнинг кийимига аралашмайди.

Одобсиз боланинг кийим ечишини кўрганмисизлар? У кўчадан келса, кийимларини ечиб, дуч келган ерга улоқтиради. Эртасига мактабга кетаётганда кийимларини топа олмайди. Чунки ечган жойини эсидан чиқариб қўйган бўлади. Баъзида у ичдан киядиган юпка

кийим билан кўчага чиқиб, ҳаммага кулги бўлади.

4. Кийим турлари:

1) Ўғил болалар кийими. Ўғил болаларнинг кийимлари пахтадан, жундан ёки канопдан тайёрланади. Уларнинг ранги ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ рангли кийимларни мақтаганлар. Чунки оқ ранг тоза ва ёқимли бўлади. Озгина кир бўлса ҳам билинади ва тезда ювилади. Расулуллоҳ яна яшил рангли кийимни ҳам ёқтирганлар. Баъзан қизил йўли бор, тўнга ўхшаган кийим кийганлар.

Кўйлак. Кўйлак ўғил болалар учун энг яхши кийимлардан биридир.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: كَانَ أَحَبَّ الثِّيَابِ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقَمِيصُ. (رواه أبو داود والترمذي، وقال الألباني: صحيح).

Умми Салама айтдилар: “Кийимлар ичида Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга энг кўп ёқадигани кўйлак эди”. (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Эркаклар кўйлагининг турлари кўп. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўйлаклари бўлади. Баъзилари узун, баъзилари қисқароқ.

Шим, шалвар. Тикилиши оддий шимлар ўғил болалар учун яхши шимлардир. Шим ва шалварларнинг почаси тўпиққача бўлади.

Шортик. Шортик - ёзда кийиладиган калта шалвар. Шортикнинг почаси тиззани ёпиб турадиган бўлиши керак. Ўғил болалар чўмилганда ҳам шортикка ўхшаган иштон киядилар.

2) Аёл-қизлар кийими. Қизлар ва аёлларнинг кийими каноп, пахта, жундан ташқари ипакдан

ҳам тикилади. Ранглари ҳам ранг-барангрок бўлади.

Рўмол. Рўмол қизлар ва аёллар энг яхши кўрадиган кийимлардан. Рўмолнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлади. Хотин-қизлар уйда кичикроқ рўмол ўрашади. Кичкина рўмол билан кўчага чиқишмайди.

Кўйлак ва лозим. Қизларнинг кўйлаги кенг ва узун бўлади. Узунлиги тўпикқача тушиб турадиган кўйлак - яхши кўйлак. Лозим ҳам узун ва кенг бўлиши керак.

Ҳижоб. Ҳижоб кўчага чиққанда кийилади. Аёллар, қизлар кўчага чиқсалар, таналарининг ҳаммасини яшириб юрадилар. Ҳижоб бошдан-оёқ ҳамма аъзони ўраб турадиган кенг бўлади.

5. Кийиш мумкин бўлмаган кийимлар

1) Ўғил болалар учун. Ўғил болаларнинг кўйлаги қизларникига ўхшаган гулли ёки ялтироқ бўлмайди. Ипак кийимлар кийиш ҳам мумкин эмас. Ўғил болаларга қип-қизил, сап-сарик, оловранг ёки пушти рангли кийимлар ярашмайди.

Ўғил болалар тор шимларни киймайдилар. Баъзи шимлар одамнинг орқасини аниқ билдириб туради. Буларни кийиш мумкин эмас. Шимнинг почаси ҳаддан ташқари узун бўлмаслиги керак. Тўпикдан тушиб кетадиган шимни мақталмайди.

Шортикларнинг узунлиги агар тиззадан тепада бўлса, мусулмон болаларга тўғри келмайди.

Ўғил болалар қизларникига ўхшаган кийимларни киймайдилар. Кийимларига, баданларига ҳар хил бемаъни нарсаларни осиб юрмайдилар. Тилла соат тақмайдилар. Тилла тақинчоқлар қизлар учундир.

2) Қиз болалар учун. Бели тор, кўкраги очик, енги калта кўйлак муслималарга тўғри келмайди. Қиз бола шим ёки шортик киймайди. Чунки булар эркаклар кийимидир. Қизлар учун ўғил болага ўхшатиб қўядиган кийимларни кийиш мумкин эмас.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ўзини эркакка ўхшатган аёлларга ва ўзини аёлга ўхшатган эркакларга лаънат бўлсин”, деганлар.

Муслима қизлар бегона одамларнинг олдида тақинчоқларини кўрсатиб юрмайдилар.

Баъзи ҳижобларга кўп гуллар тикилган, ялтироқ нарсалар тақилган бўлади. Бунақа ҳижоб ҳаммани ўзига қаратиб кўяди. Яна ҳижоб қип-қизил, сап-сарик ёки гулли матодан тикилган бўлса ҳам бошқалардан ажралиб қолади.

3) Ҳамма учун. Қизлару ўғил болаларнинг кийимлари баданга ёпишиб турадиган тор бўлиши тўғри эмас. Тор кийим ахлоққа хилоф саналади ва соғлиққа зиён келтиради. Танада қоннинг айланишига халақит беради.

Танани кўрсатиб турадиган юпқа кийим кийиш ҳам гуноҳ. Юпқа кийимлар инсоннинг авратини яшира олмайди. Хулққа салбий таъсир кўрсатади.

Ақлли болаларга бачкана кийимлардан сақланиш тавсия қилинади. Масалан, жонли

нарсаларнинг сурати бор, ёмон сўзлар ёзилган кийимлар мусулмонлар кийими эмас.

Исломдаги инсон ўзга диндагиларга хос бўлган кийимларни киймайди. Бошқа диндагилар киядиган шляпа, хоч шакли тушурилган кийимлар шулар жумласидан.

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кимки ўзини бирор қавмга ўхшатса, бас у ўшалардандир”. Абу Довуд ривояти.

Кийиш мумкин бўлмаган кийимлар рўйхати:

1. Баданга ёпишиб турадиган тор кийим;
2. Терини кўрсатиб турадиган юпқа кийим;
3. Жонли нарсаларнинг расми бор кийим;
4. Ёмон сўзлар ёзилган кийим;

5. Ҳаммани ўзига қаратадиган ғайри оддий кийим;
6. Бошқа диннинг рамзи тушурилган кийим;
7. Ҳаром йўл, масалан, ўғирлик билан топилган кийим;
8. Қиз болани ўғил болага ўхшатиб қўядиган кийим;
9. Ўғил болани қизларга ўхшатиб қўядиган кийим;
10. Ўғил болалар учун ипак кийим.



Еттинчи дарс

Кийимларни тоза сақлаш



1. Тоза кийим - покиза табиат;
2. Устки кийимлар;
3. Кўйлак ва ички кийимлар;
4. Оёқ кийимлари;
5. Дастрўмол.



1. Тоза кийим - покиза табиат

Эгнингиздаги кийимингизни доимо тоза тутишга ҳаракат қилинг. Шунда сизни кўрган одам: “Бу боланинг табиати покиза экан”, деб ўйлайди. Кийим янги бўлиши шарт эмас, аммо тоза бўлиши зарур.

Кир-чир кийимда юрган болани кўрган одам нима дейиши мумкин? “Э, бу боланинг кўнгли

ҳам тоза бўлмаса керак”, дейди. Сўнг ундан узоқ бўлишни истаб қолади. Чунки кийимга аҳамият бермаслик одам табиатининг тоза эмаслигини кўрсатади.

Ақлли бола тез-тез ювиниб, озода бўлиб юради. Унинг бадани тоза бўлгандан кейин кийимларнинг ҳам тозасини кияди.

Агар бадан тоза бўлсаю кийимлар кир бўлса, нима бўлади? Кийимдаги кирлар баданга ўтади. Шундан кейин ювинганнинг ҳам фойдаси қолмайди.

Кийимлар тез-тез ювилиши ва дазмолланиши керак. Каттароқ болалар кийимларини ўзлари ювишга ўрганадилар. Кичкина болалар эса кийимларини оналарига ёки опаларига ювдириб оладилар.

2. Устки кийимлар

Пальто, куртка, чопон, костюм ёки шимга ўхшаш кийимлар устки кийимлардир. Уларни эҳтиёт қилиб кийиш лозим. Кўчада юрганда кийимни нопок нарсалар тегишдан сақлаш керак.

Кўчадан келганда уйга киришдан аввал устки кийимларга бир қараб олиш керак. Агар чанг ўтирган бўлса, қоқиб тозаланади. Агар қиш фасли бўлса, кийимга ёпишиб қолган қорлар тушириб юборилади. Шундан кейин уйга кирилади. Уйга киргач, қалинроқ кийимларни эшик олдида ечилади, сўнг ўз ўрнига қўйилади. Дуч келган томонга улоқтирилмайди. Шунда улар тоза сақланади.

Баъзи болалар кўчада тоза кийим билан ифлос жойга ўтириб оладилар. Ҳеч иккиланмай

ерга думалайдилар. Бунақада кийим кир бўлиб кетади ва тез йиртилади.

3. Кўйлак ва ички кийимлар

- **Кўйлак** уйда ҳам, кўчада ҳам кийиб юриладиган доимий кийимлардан. Шунинг учун у тез кир бўлади. Кўйлакнинг энг кўп кир бўладиган ери ёқаси ва енги. Демак, кўйлакнинг ёқаси ва енгини тез-тез текшириб туриш керак. Кир бўлган бўлса, ювдириш ва дазмоллатиш лозим.

Болалар овқат еётганда эҳтиёт бўлсинлар. Бир хил бола овқатни худди биров еб қўядигандек шошиб ейди. Кўйлакларига тўкиб, оқизиб юборади. Яна баъзи бола овқатни еб, қўлини кийимга артади. Бунақада кийим доғ бўлиб қолади ва ювса ҳам кетмайди.

- **Ички кийимлар.** Ички кийимлар (майка, ички иштон) одамнинг баданига бевосита

тегиб туради. Шунинг учун уларнинг тоза бўлиши жуда муҳим. Ички кийим бошқаларга кўринмайди. Ҳар бир бола ўзининг ички кийимларини текшириб туриши керак. Сал кир бўлган бўлса, алмаштириш лозим.

Болалар айниқса ҳожат ушатганда эҳтиёт бўлишлари зарур. Ёзилаётганда кийимга нажосат (сийдик, ахлат) тегадиган бўлса, албатта ювиш шарт. Бўлмаса, кийим нопок бўлиб қолади. Нопок кийимда ўқилган намоз қабул бўлмайди.

Агар ички кийимга эътибор берилмаса, у ҳидланишга бошлайди. Касаллик пайдо бўлишига сабаб бўлади.

4. Оёқ қийимлари

Туфли, этик, шиппак, сандал каби оёқ кийимлари кўчада ва ҳовлида ҳар хил ерларни

босиб юради. Уларга чанг, лой ёки нажосат илашиб қолиши мумкин. Тарбияли бола йўлда юрганда нопок ерларни босмайди. Мабодо оёғига бирор ифлос нарса тегиб кетса, дарров тозалайди. Кўчадан қайтганда уйга киришдан аввал оёқ кийимларига бир қараб олади. Агар ифлос нарсаларга кўзи тушса, оёғини ерга ишқалаб тозалайди. Ёки бирор чўп билан нажосатни кетказди.

Одобсиз бола лой, кир оёқ кийими билан уйига кириб кетаверади ва уйни ифлос қилиб қўяди.

Пайпоқ. Пайпоқ доимо ерга яқин юради. Шунинг учун у ҳам тез кир бўлади. Бундан ташқари баъзан инсоннинг оёғи пайпоқ ичида терлайди. Оёқдан чиққан тер ва ҳид пайпоққа ўтади. Кейин атрофга сассиқ ҳид тарқала

бошлайди. Шунинг учун оёқни ҳам, пайпоқни ҳам бот-бот ювиб туриш керак.

5. Дастрўмол

Уйдан ташқарида бўлганда баъзида қўлни ёки оғиз-бурунни ювишга тўғри келиб қолади. Ўша пайтда ювилган аъзоларни артиш учун дастрўмол ёки бир марталик салфетка ишлатилади.

Дастрўмол инсоннинг чўнтагида юрадиган нарса. У ювилган ва тахланган ҳолатда бўлиши керак.

Айтайлик, сиз автобусда кетаяпсиз. Ёки кўпчилик билан гаплашиб ўтирибсиз. Кутилмаганда аксириб қолдингиз. Нима қиласиз?

- Бунақа пайтда бурунни дастрўмол ёки салфетка билан тўсилади, кейин унга артилади.

Баъзи ерларда аксирганда ва йўталганда оғиз ва бурунни енг билан тўсиш одат бўлган.

Баъзи болалар дастрўмол тутишни эсдан чиқариб қўйишган. Дастрўмолни кўрмаганларига анча бўлиб кетган. Бир марталик қоғозни ҳам билишмайди. Бу яхши эмас.

Тарбияли бола ҳар сафар кўчага чиқиб кетишдан аввал дастрўмолни бир текширади. Ё эса чўнтагига бир марта ишлатиладиган салфеткадан бир неча дона солиб олади.



Саккизинчи дарс

Нарсаларни тоза тутиши



1. Буюмлар тозалиги
2. Китоблар
3. Ўқув қуроллари
4. Сочик, тиш чўтка, кўрпа-ёстиқлар
5. Аппаратлар ва ўйинчоқлар



1. Буюмлар тозалиги

Биз ҳар бир инсон 5 хил нарсани тоза тутиши шарт эканини биламиз. Шуларнинг 3чиси шахсий буюмлар эди.

Шахсий буюмлар деганда уй ичидаги ҳамма нарса тушунилади. Уйдаги нарсалар ё сизники ё ота-онангизники ёки акангиз ё укангизники.

Ўқувчининг шахсий буюмларига қараб, унинг қандай бола эканини билиш мумкин. Агар нарсалари озода бўлса, демак у ақлли ва тарбияли бола бўлади. Агар нарсалари кир-чир ва бетартиб бўлса, бу унинг унча ҳам ақлли бола эмаслигини кўрсатади.

Нарсаларни тоза тутиш учун зарур бўлган биринчи шарт – тартиб. Тартиб ҳар бир нарсани ўз жойига қўйишдир. Нарсалар турли ерларда сочилиб ёки қалашиб ётиши керак эмас. Балки ҳар битта буюм ўзига муносиб ерда туриши лозим. Ҳар бир нарса ўзининг шериклари билан бирга қўйилиши керак.

Буюмларни вақтида тозалаб турилади. Акс ҳолда уларга чанг ва кирлар ёпишиб олади. Кирлардан микроблар пайдо бўлади. Микроблардан касаллик келиб чиқади.

Агар буюмлар тоза тутилса, эгасига кўп хизмат қилади. Шу сабабли одамнинг пули ҳам тежалади.

Демак, буюмларни тоза тутишда учта фойда бор экан: уйнинг тартибли бўлиши, касалликдан сақланиш, пулнинг тежалиши.

2. Китоблар

Китоб инсон учун улуғ неъматдир. Китоб туфайли биз ҳақиқатни тушунамиз. Тўғри йўлдан борамиз. Шунинг учун китобларни авайлашимиз, тоза тутишимиз зарур.

Китобга ёзиш, чизиш, унинг варақларини буклаш ёки йиртиш ҳеч-ҳеч мумкин эмас. Китобни кир қилиб юбориш ҳам ёмон иш. Китоблар уйда алоҳида токчада ёки шкафта туриши керак. Китобни ўқиб бўлгач, яна жойига қўйиб қўйилади. Китобларни ва улар турадиган

токчаларни тез-тез артиб, чангдан тозалаб турилади.

Китоблар ичида энг улуғи – Қуръони карим. Ундан кейин ҳадиси шарифлар туради. Қуръон бошқа китоблар билан бирга қўйилса, ҳамма китобларнинг устида туриши лозим. Ёш болалар Қуръонни ўқийман, деб кир қилиб юборишлари мумкин эмас. Кимки Қуръондан кичкина сураларни ўқиётган бўлса, “Жузъи амма” ёки “Жузъи таборак”дан ўқиши керак. Акс ҳолда Қуръонни эскитиб юборади.

3. Ўқув қуроллари

1. Дафтарлар. Ақлли боланинг дафтарлари тоза бўлади.

Агар дафтарга сиёҳ билан хато ёзиб қўйса, нима қилиш керак? Унинг устидан бир чизик тортилади – бўлди. Ақли унча кирмаган бола

эса хатони тирноғи билан ўчиришга уринади. Бунақада дафтар хунук бўлиб кетади.

Ёзиш учун чиқарилган дафтарга расм солинмайди. Расм дафтари алоҳида бўлади.

2. Қалам – қадри баланд неъмат. Аллоҳ ҳам энг биринчи Арш билан Қаламни яратган. Қаламни ўйнаш, синдириш ва кир қилиш мумкин эмас. Одобсиз болалар қаламни найза қилиб отади. Оғзига солиб сўради. Натижада қалам тез йўқ бўлиб кетади. Бу – неъматни исроф қилиш. Исроф қилиш эса гуноҳ.

3. Сумка-портфеллар. Китоб ва дафтар солинадиган сумкалар ҳам тоза бўлсин. Сумкага овқат солиш мумкин эмас. Унга кийим ёки ўйинчоқлар ҳам солинмайди. Бу нарсаларнинг сумкаси алоҳида бўлади. Аммо мактабга кетаётганда сумкага мева солиш мумкин. Бунда

мевани аввал коғозга ўралади ёки махсус идишга солинади. Кейин сумкага солинади.

Сумкани чанг ерларга қўйилмайди. Баъзи болалар мактабдан қайтаётганда сумкасини кир ерларга қўяди ва ўйинга берилиб кетади. Ёки уйининг олдида келганда сумкани ичкарига олиб кирмасдан кўча эшик ёнига қўяди. Кейин ўйнайверади. Бу ёмон одат.

4. Сочик, тиш чўтка ва кўрна-ёстиқлар

Сочик, тиш чўтка. Ҳар бир боланинг сочик ва тиш чўткаси алоҳида бўлади. Бу нарсаларни ҳаммомнинг ичида тайинли ерга қўйилади. Яхши бола юз-қўлларини ва тишларини ҳар куни бир неча бор ювади. Тиш чўткани ишлатиб бўлиб, яна ювиб қўйиш керак. Сочикни ҳам тез-тез ювиш лозим. Бўлмаса у хидланиб кетади.

Кўрпа-ёстик, чойшаб. Инсон ётганда унинг юзи кўрпа-ёстик ва чойшабларга тегиб туради. Чойшабни ва ёстик жилдларини ўз вақтида ювиб турилади. Агар улар покиза бўлса, нафас олганда ҳаво ичга тоза ҳолда киради.

Китоб ва ўйинчоқларни кўрпа ёстик ва чойшаблар орасига қўйиш мумкин эмас. Кийимлар ҳам улардан алоҳида туриши керак.

Тарбияли бола уйқудан тургандан кейин ўрин-кўрпаларини йиғиштиради. Уларни чиройли қилиб тахлаб қўяди.

Каравот, стол-стуллар. Ҳар бир бола ўзи ётадиган каравотни чанглардан артиб туришни одат қилиши керак.

Кўпгина болаларга уйда дарс қилишлари учун алоҳида стол-стуллар ажратиб берилган. Яхши болалар ўз стол-стулларини артиб турадилар,

уларга чизмайдилар. Столнинг устини доимо тартибли тутадилар. Унинг устига чиқиб ўйнамайдилар. Дарс тайёрлайдиган столда овқат емайдилар.

5. Аппаратлар ва ўйинчоқлар

Компьютер, диск, магнитофон, плеер, телефонлар. Баъзи болаларнинг оталари “Болам тезроқ ва кўпроқ илмли бўлсин” деб қиммат аппаратларни олиб беришади. Бундай аппаратлар нозик бўлади. Эҳтиёт қилмаса, тез бузулиб қолиши мумкин. Шунинг учун уларни қадрлаш керак.

Компьютер каби техника асбобларни ишлатиб бўлгач, албатта токдан ўчирилади. Шунда улар ҳам дам олади. Эртасига ёққанда яхши ишлайди.

Аппаратларни тез-тез артиб туриш керак. Артганда спирт ёки махсус модда ишлатилади.

Шунда уларга чанг тушмайди. Аппаратда чанглар йиғилиб қолса, у бузулиб қолиши мумкин.

Ўйинчоқлар. Бошланғич синфда ўқиётган баъзи болаларнинг ўйинчоқлари ҳам бўлади. Уйда ўйинчоқлар қўйиладиган алоҳида жой бўлиши керак. Баъзи болалар ўйинчоқларини кийимлари ичига қўядилар. Ёки китоб-дафтарлар ичига аралаштириб юборадилар. Бунақада ўйинчоқлар кир бўлиб кетади ёки синади. Китоб дафтарлар ҳам йиртилиб кетади.

Ўйинчоқларни ҳам тез-тез артиб туриш керак. Уларни отиш, синдириш мумкин эмас. Дарс пайтида ўйинчоқ ўйнаш ҳам тўғри бўлмайди.



Тўққизинчи дарс

Уй ва хоналарни озода сақлаш



1. Роҳат, ибодат ва тарбия маскани;
2. Меҳмонхона ва намозхона;
3. Ётоқхона ва дарсхона;
4. Ошхона ва омбор;
5. Ҳовли, йўлак, ҳаммом.



1. Роҳат, ибодат ва тарбия маскани

Биз 4 - дарсда ҳар бир инсон 5та нарсани тоза сақлаши кераклигини билиб олганмиз. Шуларнинг 4-си уй ва хоналар эди.

Болалар ҳар куни мактабга борадилар. Катталар ишга кетадилар. Мактаб ва ишдан бўшагандан кейин ҳамма уйга қайтади.

Болалар кўчада ўйнаб чарчасалар ҳам уйларига кириб кетадилар. Ҳамма одам ўз уйини жуда яхши кўради. Чунки катта одам ҳам, кичкина бола ҳам бошқа ердан кўра ўз уйида эркинроқ бўлади.

Уй - роҳат маскани. Одам уйда бўлганда дам олади. Ухлаб, ҳордиқ чиқаради. Эртанги кун учун куч-қувват тўплайди. Уйда инсоннинг чарчоқлари ёзилади.

Аллоҳ таоло ҳам Қуръонда бизнинг уйларимизни мақтаган:

﴿وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ سَكَنًا﴾ (النحل: 80).

“Аллоҳ сизларга уйларингизни осойшиталик маскани қилиб берди”. (Наҳл/80).

Уй - ибодат маскани. Инсон ўз уйида Раббисига бемалол ибодат қилади. Истаганча

намоз ўқийди, Қуръон тиловат қилади. Узун-узун дуолар қилади. Илмини оширади.

Уй - тарбия маскани. Ота-оналар уйда ўз болаларига чиройли тарбия берадилар. Ислумни тушунтирадилар. Одоб ва ахлоқни ўргатадилар. Болалар ҳам уйда дарс тайёрлайдилар, китоб ўқийдилар. Уй ишларида катталарга қарашадилар.

Шундай қилиб, инсон умрининг кўп қисми уйда ўтади. Уй - бебаҳо неъмат. Бундай неъматни озода сақлаш лозим. Ақлли ва иймонли одамлар уй ва хоналарини тоза тутадилар. Озода бўлган уйдаги ҳаёт баракали ўтади. Покиза уйга ҳар куни фаришталар келишади. Улар бундай уй эгалари учун дуолар қилишади.

2. Меҳмонхона ва намозхона

Уйдаги хоналарнинг энг яхшисини меҳмон учун тайёрлаб қўйилади. Меҳмонхона чиройли ва озода бўлиши лозим. Нима учун? Бунинг иккита сабаби бор.

Биринчидан, бирор меҳмон келиб қолса, хижолат бўлмайсиз. Уни озода уйга олиб кирасиз. Меҳмонхонанинг покиза ва чиройли бўлиши - меҳмоннинг ҳурмати.

Иккинчидан, у ерда оила аъзолари Аллоҳга ибодат қиладилар. Ибодат қилинадиган ер тоза бўлиши лозим.

Меҳмонхонага чиройли гилам ва палос солинади. Диван-кресло, стол-стуллар қўйиш мумкин. Ёки юмшоқ кўрпачалар солинади. Китоб жавонига китоблар терилади. Деворга оят ва ҳадислар, дарахтлар ва гуллар, тоғлар ва

дарёлар каби чиройли тасвирлардан битта ёки иккита илиш жоиз.

Аммо уйга жонли нарсаларнинг суратларини осиб бўлмайди. Кўзмунчоқ, исириқ, тумор каби бачкана нарсалар илинмайди. Меҳмонхонада ўйинчоқлар ва кийимлар ҳам турмайди.

Одатда уйни тоза тутиш ва жиҳозлашга аёллар ва қизлар кўпроқ эътибор берадилар. Улар деразаларга қандай парда осидан тортиб, тувакларда қайси гулларни ўстириш кераклигигача биладилар.

Аммо ўғил болалар ҳам ҳамма ишни оналари ва сингилларига ташлаб қўйиб, қараб турмайдилар.

3. Ётоқхона ва дарсхона

Ота-оналар мактабда ўқийдиган болалари учун уйда алоҳида хона ажратиб берадилар.

Бу хонани ётоқхона ва дарсхона, деб айтилади. Ёки болалар хонаси, деб айтиш ҳам мумкин. Бу хона битта ёки бир неча бола учун бўлади. Бу ерда бола дарс қилади, ўйинчоқ ўйнайди, ухлаб дам олади.

Болалар ўз хоналарини доимо озода сақлашлари керак. Хона озода бўлиши учун аввал айтганимиздек, битта шартни бажариш зарур. Бу шарт тартибдир. Тартиб - ҳар бир нарсани ўзининг ўрнига жойлаш, дегани. Болалар хонасида фақат болаларга керак бўладиган нарсалар турсин. Болалар ишлатмайдиган нарсаларни бу хонадан олиб чиқиш лозим.

Болалар хонасида нималар бўлиши керак? Бу хонада каравот, кийим шкафи, стол-стул, китоб жавони бўлади. Яна ўйинчоқлар қутиси ёки компьютер туриши мумкин.

Деворга илинадиган нарсалар - намоз тақвими, дарс жадвали, календар, соат, доска, харита, жонсиз нарсаларнинг сураги.

Китоб жавонида турадиган нарсалар - Қуръон, фойдали китоблар, мактаб дарсликлари, дафтарлар, кундалик дафтар, ручкалар, қаламлар, қоғозлар. Буларнинг ҳаммаси тартибли равишда турсин. Уларни тез-тез текшириб, артиб туринг.

Стул устида компютер, стол лампаси, дераза токчасида гуллар туради.

Китоб-дафтарлар турадиган жавон алоҳида, ўйинчоқлар турадиган шкаф ёки кути алоҳида бўлсин. Хонадаги нарсалар, расмлар, ўйинчоқлар сизнинг ёшингиз ва дарсларингизга мос бўлиши керак.

Сиз ўзингиз ётадиган ўриндаги чойшаб ва кўрпа-ёстиқларнинг тозалигига эътибор беринг. Каравот ва стол-стулларни тез-тез артиб туринг. Хонани ҳар куни йиғиштиринг ва албатта шамоллатинг. Бу ишларни ўзингиз қила олмасангиз, ота-онангиз ёки опа-акангизга айтиб қидиринг.

Агар хонани ва ундаги нарсаларни тозалаб турилмаса ёки хонада кераксиз нарсалар ётаверса нима бўлади? Бундай уйда яшайдиган бола дарсларини яхши тайёрлай олмай қолади. Кечаси ухлаганда тушига ҳар хил нарсалар кириб чиқади. Чунки шайтон кир-чир ва тартибсиз жойларга келади. У тозаликка риоя қилмайдиган одамга ёпишади ва уни васваса қилади.

4. Ошхона ва омбор

Ошхона - овқат тайёрланадиган ва тановул қилинадиган хона. Бу хонада ҳар куни бир неча марта овқат пиширилади ва ейилади. Шунинг учун ошхона жуда ҳам озода бўлиши керак. Бу ерни бир кунда бир неча марта тозалаш лозим.

Ошхонадаги идишлар ва асбобларнинг ҳаммаси ювилган бўлиши зарур. Уларни ювиб бўлиб, қоғоз ёки сочиқ билан қуритилади. Кейин турига қараб, ўз жойига қўйилади. Қошиқ-вилкалар ва пичоқлар алоҳида, тарелка ва коса каби идишлар алоҳида туради.

Стол устида ёки сув жўмраги ёнида идиш қолиб кетмаслиги керак.

Баъзиларнинг ошхонасида идишлар ва нарсалар столнинг устида кечгача тахланиб ётади. Бу - тўғри эмас.

Баъзи одамлар ўз ошхонасини чиннидек тоза қилиб қўяди. У ерга кирсангиз, кўзингизга биронта ортиқча нарса кўринмайди. Нарсаларнинг ҳаммаси ўзининг шкафида турган бўлади. Бу - қандай яхши!

Ҳар сафар овқат пиширгандан сўнг газ ўчоқ ёки плиталарни артиб қўйилади. Чунки унга сув ёки овқат тўкилган бўлади.

Ошхонада қўлни ва идишларни артадиган озода сочиқлар ва қоғозлар турсин. Озиқ-овқат турадиган ва сув солинадиган идишларининг усти доимо ёпиқ бўлсин.

Омбор-кейинроқишлатиладиган нарсаларни ғамлаб қўйиладиган хона. Омборхонада хом озиқ-овқатлар ҳам туради. Оборхона ҳам ошхона каби озода сақланиши лозим. У ер қуруқ ва қоронғуроқ бўлгани яхши. Оборхонада турган

озуқаларни текшириб турилади. Ачиганларини ташлаб юборилади. Омборда сичқон ва зараркунандаларга қарши дорилар қўйилади.

5. Ҳовли, йўлак, ҳаммом

Ҳовли ва йўлак - ҳар куни одам юрадиган ва ҳамманинг кўзи тушадиган ер. Ҳовли ва йўлаклар доимо тозаланган ва супурилган бўлиши керак.

Ҳовлига мевали ва манзарали дарахтлар, чиройли гуллар экилади. Дарахтлар ва ўсимликлар ҳавони зарарли газлардан тозалаб туради. Шунинг учун уларни кўпайтириш ва чиройли парвариш қилиш одамларга фойда келтиради.

Баъзилар ўз уйида мол, қўй ёки товуклар боқади. Улар учун молхона ёки товукхона қурилади. Буларни ёрдамчи хоналар, дейилади.

У ерлар ҳам тез-тез тозалаб турилиши керак. Бўлмаса, молхонадан ҳавога сассиқ ҳид кўтарилади ва кўшниларга озор етади. Кўшнига озор бериш - гуноҳ.

Ҳаммом - инсон соғлиғини сақлаш учун ниҳоятда муҳим хона. У ерни ҳам ҳар куни тозалаб, шамоллатиб турилади.

Ҳаммомда учта асосий жой бор: юз-кўл ювадиган ер ("умивальник"); ҳожат ушатадиган жой ("унитаз"); чўмиладиган ер (ванна ёки душ). Бу жойлар доимо оппоқ ва озода ҳолда туриши лозим. Хушбўй сепиб ёки ойнани очиб, ёмон ҳидларни кетказиш зарур.

Уй эгасининг қай даражада озодалигини унинг ҳаммомидан ҳам билса бўлади.

Сизлар ҳожатхона қоидалари, деган дарсда кўпнарсаларни ўргангансизлар. Ўша қоидаларга албатта амал қилиш керак.

Баъзилар ҳаммомга турли кийим ва сочиқларни қаторлаштириб, илиб ташлайди. Бу - яхши эмас. Унча зарур бўлмаган кийимларни кўз тушмайдиган ерга тахлаб қўйиш керак.

Яна баъзи ҳаммомларда эски чўткалар, соқол оладиган асбоблар чанг босиб ётади. Кераксиз нарсаларни сақлаб юриш - нотўғри иш. Яроқсиз бўлиб қолган нарсаларни чиқиндига олиб чиқиб ташлаш керак.



Ўнинчи дарс

Ухлаш одоби



1. Уйқу - роҳат ва ибрат;
2. Уйқуга тайёргарлик;
3. Уйқу одоблари;
4. Макруҳ амаллар;
5. Рухсат сўраш.



1. Уйқу - роҳат ва ибрат

Уйқу - роҳат. Инсон ишлаб чарчагандан сўнг дам олишни истайди. Болалар ҳам кундузи ўйнаб чарчайдилар. Кечқурун бўлганда улар маза қилиб ухлаб, дам оладилар. Эртанги кун учун куч тўплайдилар. Болалар ухлаганларида чарчоқлари чиқиб кетади. Улар уйқудан турсалар, яна аввалгидай кучли бўлиб қоладилар.

Уйқу - Аллоҳнинг бизга берган неъматидир. Агар Аллоҳ уйқуни бермаганда биз жуда қийналиб кетар эдик. Меҳрибон Аллоҳ уйқуни биз учун роҳат қилиб яратган. У Қуръонда бундай деган:

﴿ وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا ﴾ (النبا: 9).

“Биз уйқунларингизни роҳат қилиб яратдик”.

(Ан-Набаъ/9).

Уйқу - ибрат. Дунёда ибрат бўладиган нарсалар кўп учрайди. Уйқу ҳам ана шулардан бири. Уйқунинг ибрат бўладиган томони шуки, у ўлимга ўхшайди.

Инсон вафот бўлса, унинг ҳамма аъзолари ҳаракатдан тўхтайдди. Улар қайтиб ишламайди. Одам ухлаганда ҳам унинг кўпгина аъзолари ишлашдан тўхтайдди. Кўзлар юмилади. Қўл-

оёқлар қимирламайди. Ақл ишламай туради. Бу бизга ўлимни эслатади.

Ухлаган одам ўнг ёни билан ётади. Вафот этган одамни ҳам қабрга ўнг томонига ёнбошлатиб ётқизилади.

Аллоҳ Қуръонда уйқуни ўлимга, ухлаган одамни эса ўликка ўхшатган:

﴿وَهُوَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُمْ بِاللَّيْلِ...﴾ (الأنعام:60).

“У шундай Зотки, сизларни кечқурун вафот эттиради”. (Анъом/60).

Ўлимни эслаган одам гуноҳ қилишдан кўрқади. Одамларга ҳам фақат яхшилик қилади.

2. Уйқуга тайёргарлик

Болалар кечқурун бўлганда “Мен эртароқ ётишим керак”, деган фикрни хаёлларига

келтирсалар, яхши бўлар эди. Чунки эртароқ ётиш суннатдир.

عَنْ أَبِي بَرزَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَكْرَهُ النَّوْمَ قَبْلَ الْعِشَاءِ وَالْحَدِيثَ بَعْدَهَا. (رواه البخاري ومسلم).

Абу Барза разияллоху анхудан ривоят. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хуфтон намозидан аввал ухлашни, хуфтондан сўнг гаплашиб ўтиришни ёқтирмас эдилар. *(Бухорий ва Муслим ривоятлари).*

Тарбияли болалар кечки овқатни еб бўлиб, дарс тайёрлайдилар. Сўнг хуфтон намозини ўқийдилар. Шундай кейин бошқа ишга ёки ўйинга берилмасдан ухлайдилар. Чунки эрта ётган бола эрта уйғонади. Кечқурун соат 9да ҳамма болалар уйқуга ётган бўлишлари керак. Баъзи болалар узоғи билан кеч соат 10да ухлашлари мумкин.

Маълумки, бир ишга киришишдан аввал тайёргарлик кўрилади.

Уйқуга ётишдан аввал мана бу ишларни бажариш лозим:

1. Эшикларни қулфлаш;
2. Овқатлар устини ёпиш;
3. Техника асбобларини ўчириш;
4. Тишларни ювиш ёки таҳорат олиш;
5. Олов ва чироқни ўчириш.

Техника асбоблари ишлаб турган пайтда улардан кўзга кўринмайдиган нурлар таралади. Бу нурлар инсон соғлиғига салбий таъсир қилади. Шунинг учун уларни ишлатиб бўлиб, ўчириш керак.

Ётишдан аввал тишларни ювиш ва таҳорат олишнинг ҳам фойдаси жуда кўп. Таҳоратли

бола тинч ухлайди. Унга иншоаллоҳ шайтонлар зарар қила олмайди.

3. Уйқу одоблари

Ўринга ётиш олдидан қилинадиган амаллар:

1. Ўринни тайёрлаш ва текшириш;
2. Уйқу кийимида бўлиш;
3. Оятулкурсийни ўқиш;
4. Ўзига дам солиш (охирги учта сура).

Ўринга ётган пайтда қилинадиган амаллар:

1. Ўнг томонга ёнбошлаб ётиш;
2. Ўнг кафтни ўнг юзга қўйиб ётиш;
3. Юзини Қиблага қилиб ётиш;
4. Уйқу дуосини ўқиш.

Уйқу дуолари қуйидагича:

بِسْمِكَ اللَّهُمَّ أَمُوتُ وَأَحْيَا. ❁

اللَّهُمَّ قِنِي عَذَابَكَ يَوْمَ تَبْعَثُ عِبَادَكَ. ❁

بِسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنْبِي وَبِكَ أَرْفَعُهُ إِنْ أَمْسَكَتَ نَفْسِي فَارْحَمْهَا
وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ. ❁

4. Макруҳ амаллар

Уйқуга ётган пайтда мана бу ишларни қилиш макруҳдир;

1. Авратларини ёпмасдан ётиш
2. Қорин билан ётиш;
3. Оғзида овқат билан ётиш;
4. Ётиб китоб ўқиш;
5. Ётиб Қуръон ўқиш

5. Рухсат сўраш

Уйда мактаб ёшидаги болалар учун алоҳида хоналар бўлгани яхши. Қиз болалар бошқа, ўғил болалар бошқа хонада ётадилар. Ухлаш вақти бўлганда бир-бирининг хонасига рухсатсиз кирилмайди. Шунингдек, қизлар ҳам, болалар ҳам уйқу пайтида ота-онанинг хонасига кирмасликлари керак.

Агар бирор зарур иш чиқиб қолиб, ухлаб ётган одамни чақириш керак бўлса нима қилинади? Бундай пайтда хонанинг эшигини тақирлатиш лозим. Ёки эшик орқасидан туриб чақирилади.

Ҳали тили чиқмаган ёки боғча ёшидаги болалар ота-оналари билан битта хонада ётишлари мумкин.

Валлоҳу аълам.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

وصلی اللہ وسلم وبارکے علی نبینا محمد وعلی آلہ وصحبہ
 أجمعین ومن تبعهم بإحسان إلى يوم الدين.
 وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمین.

ﷺ